

КАМОЛОТГА УНДАР ЛАҲЗАЛАР...	ИСЛОҲОТЛАР ИМКОННИ ОШИРАР	ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ ФИДОЙИ ПОСБОНЛАРИ
КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА МОДИЙ ЁРДАМ	3-бет	МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Марғилон шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

МАРҒИЛОН ШАҲРИДА ИЖТИМОИЙ
МУҲОҒАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА
ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ 2022 ЙИЛДА
ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ
ЎРИНЛАРИНИ БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида” ги Қонун-нинг 9-боб, 38-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламлари) ва “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида” ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламлари, 2013 йил, 18-сон, 233-модда) Қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабр кундаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»- ги 965-сонли Қарорига асосан шаҳарда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2022 йилда ишга жойлаштириш учун иш жойларини энг кам миқдорини ажратиш, қўшимча иш жойлари яратиш уларни муҳофаза қилиш мақсадида:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шаҳарда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага ҳамда 2022 йилда Марғилон шаҳри бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни қорхона ташкилотлар бўйича ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари тўғрисидаги маълумот 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иш ўринлари банд қилиб қўйилмайдиган касблар ва лавозимлар тоифалари бўйича қуйидаги умумий тартибларга асосланиши шарт: ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни ўйинлаштириш имконини берадиган, ўзарувчан иш жадвалига эга бўлганлар учун 76 та иш ўринлари; умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-хунар мактабларини, касб-хунар коллежларини ҳамда техникумларни тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар учун 253 та иш ўринлари; “Меҳрибонлик” уйлариининг битирувчилари, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчиларига мувофиқ бўлганлар учун 6 та иш ўринлари; муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касблари бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлганлар учун 11 та иш ўринлари; ногиронлар учун – меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ҳодимга иш жараёнларини тўқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳоли ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда ҳамда ногиронлардан ишга жойлаштириш кам бўлганда кам қолган иш ўрни таълим муассасасини тугатган ёшлар учун банд қилинсин) берадиганлар учун 358 та иш ўринлари; Шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун махсус малакани талаб қилмайдиган учун 17 та иш ўринлари; жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий ҳолатидаги мажбурий чоралар қўрилган шахслар учун-уларни касб бўйича тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-хунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса махсус малакани талаб қилмайдиган учун 110 та иш ўринлари; одам савдосидан жабрланган шахслар учун – уларнинг касби бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлганлар учун 3 та иш ўринлари.

3. Қорхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни

ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 965-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлар ташкил этилишини таъминлаш; қорхона ва ташкилотлар, йил бошлангунгача 10 кундан кечикмай банд қилиб қўйилган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 фоиз ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминласин ҳамда бу тўғрисида шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига йил бошлангунга қадар ахборот бериш;

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилотлар (иш берувчилар) томонидан календар йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлансин, бу тўғрисида шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тугагандан кейин 10 кундан кечикмай ахборот бериш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарор бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ маъмурий жавобгарлик белгиланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органнинг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича тегишли Қарорини бажармаганлик учун жазима тўланганлиги ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этиш мажбуриятдан озод қилмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 19-2019-Б сонли буйруғига (Адлия Вазирлигидан 2019 йил 31 мартда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами №3163) мувофиқ, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам иш ўринидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - режадан ортиқ қабул қилинган ҳар бир ҳодим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорда субсидия тўлаб берилиши инобатга олинсин.

6. Шаҳар ҳокимлиги девонхона мудири (Г.Ҳаджаева) беш кун мудатда ушбу Қарорни иловада кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин.

7. Белгилансинки, ушбу қарор оммавий ахборот воситаларида расмий эълон қилинган кундан бошлаб қўчга қиради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Тўйчиев зиммасига юклатилсин.

Марғилон шаҳар ҳокими А. ЗИЯВИТДИНОВ.

3-бет

ИСЛОҲОТЛАР
ИМКОННИ
ОШИРАР

3-бет

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ
ФИДОЙИ ПОСБОНЛАРИ

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР —
МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

4-бет

ШАҲРИМИЗДА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА БУТУНЛАЙ ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сонли қарорига асосан, республика бюджетни маблағлари ҳисобидан Марғилон шаҳрининг “Гулистон”, “Зухро”, “Милитикос”, “Чилонзор” “Саҳоват” маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳудудларида жойлашган 130 та кўп қаватли уй (5711 та хонадон) ларни “Фаргона иссиқлик электр маркази” АЖ орқали марказлашган иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Бугунги кунда, Марғилон шаҳрида Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ҳамда унинг узлуксизлигини таъминлаш, иссиқлик таъминоти тизимига замонавий, тежамкор ва кам энергия сарфлайдиган технологияларни жорий этиш асосида янгилаш ва модернизация қилиш мақсадида, улкан лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу ерда жаҳон тажрибаси асосида инновацион технологиялар қўлланилган. Бош мақсад замонавий тежамкор ва кам энергия сарфлайдиган технологияларни жорий этиш асосида ёқилиш-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилон фойдаланишга қаратилган. Ушбу технологиянинг афзаллиги ҳар қандай ўта совуқ об-ҳаво таъсирида ҳам энергия йўқотишларсиз, кўп квартиралар уйлари ва ижтимоий соҳа объектларига етарли босим ва ҳароратда иссиқлик

узатилади. Вилоят ҳокими Х.Бозоров Марғилон шаҳар “Зухро” МФЙ ҳудудидида жойлашган кўп квартиралар уйлариининг янгилашган ички иссиқлик тизимларини кўздан кечириб, уйларида истиқомат қилувчи фуқаролар билан бевосита мулоқот қилди. “Ушбу йирик лойиҳаларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши, уларнинг 12 ой мобайнида бир меъёрда иссиқ сув билан таъминланиши, Марғилон шаҳридаги кўп квартиралар уйларида истиқомат қилаётган фуқароларга янада қўлай имкониятлар яратди, - дейди Хайрулло Бозоров. Ташриф жараёнида, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров барча мутасаддиларга қўрилиш - монтаж ишларини янада жадаллаштириш, ишларнинг сифат даражасига қатъий эътибор қаратиш, зарурат бўлса қўшимча қўрилиш қорхоналарини жалб этиш орқали белгиланган мудатда яқунлаш юзасидан топириқлар берди.

ШАҲМАТ БЎЙИЧА МАРҒИЛОН ШАҲАР ҲОКИМИ КУБОГИ СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Марғилон шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳардаги 10-сонли умумий ўрта таълим мактабида ҳоким кубоги учун спортнинг шахмат тури бўйича очик турнир ўтказилди.

Унда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари шаҳар-туманларидан 100 га яқин 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган спортчилар иштирок этишди.

Мурасасиз беллашувлардан сўнг мусобақанинг тантанали тақдирлаш маросимида шаҳар ҳокими Адҳамжон Зиявитдинов сўзга

чикиб, юртимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор натижасида ёшларимизнинг халқаро спорт майдонларида муваффақиятларга эришаётгани, юқори натижаларни қўлга киритаётганликлари, бу каби мусобақалар эса келгусида республика ва халқаро беллашувлар олдида ушбу муҳим тайёргарлик вазифасини ўташини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг ғолибларни тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Турли номинацияларда ғолибликни қўлга киритган совриндорларга шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо эсдалик совгалари топширилди.

Шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ!

Бутун республикаимизда бўлгани каби Марғилон шаҳрида ҳам миллатимизнинг улугъ айёми – “Ўзбек тили байрами” кенг нишонланди.

Байрам муносабати билан шаҳримиздаги “Ижодкорлар боғи” эрта тонгдан қалби айём шўкуҳига йўғрилган адабиётсаварлар, соҳа фидойилари билан тўлди. Дастлаб шаҳар ҳокими Адҳамжон Зиявитдинов тадбир муносабати билан ташкил этилган турли хилдаги бадий китоблар ярмаркасини кўздан кечирди. Тантанали байрам тадбири Эркин Воҳидов номидаги Ижодкорлар мактабида давом этди. Тадбир аввалида сўз олган филология фанлари доктори, профессор Сиддиқ Мўмин ҳамда шаҳар ҳокими ўринбосари

Тўланбой Бекназаровлар байрам муносабати билан иштирокчиларни самимий муборакбод этиб, “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” мавзусида ижодий ишлар танловида ғолиб деб эътироф этилган ижодкор ёшларга фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгаларини топширдилар. Ижодкорлар мактаби ҳамда шаҳардаги 8-сонли болалар Мусика ва санъат мактаби ўқувчиларининг бебаҳо тилимизни мадҳ этувчи шеърлари, дилрабо куй-қўшиқлар ҳамда сахналаштирилган ижодий чиқишлари тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашди.

Улугъбек МАҲМУДОВ
Шаҳар ҳокими маслаҳатчиси.

МАРҒИЛОН ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ЯНАДА РИВОЖЛАНМОҚДА

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган, 12 октябрдан 22 октябрга қадар бўлиб ўтган тадбирларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган 60 дан зиёд ҳунармандлар ва дизайнерлар иштирок этди.

Тренинглар ЮНЕСКО ваколатхонаси шафёзлигида, Ўзбекистон “Ҳунарманд” уюшмаси ҳамда Марғилон «Ҳунармандлар маркази» билан ҳамкорликда уюштирилган, – дейди Фарғона вилояти “Ҳунарманд” уюшмаси раиси Расул Мирзаахмедов. –Тренинг ЮНЕСКО ва Европа Иттифоқининг “Афғонистон, Марказий Осиё ва Эронда Буюк Ипак йўли бўйлаб мерос йўлаклари – Европа маданий мерос йиллигини халқаро жиҳатлари” лойиҳаси доирасида ўтказилаётган тадбирдир. Асосий мақсад – Ўзбекистоннинг номоддий маданий меросини, хусусан, анъанавий ҳунармандчиликни муҳофаза қилиш, ривожлантириш ва кенг тарғиб қилишдан иборат. Ун кун давомида иштирокчилар анъанавий ҳунармандчиликни сақлаш ва қайта тиклаш, замонавий либослар намойишида анъанавий амалий санъатнинг ўрнини кучайтириш,

ҳунармандчиликда самарали менежмент ва маркетинг, махсус лотлар рекламасида интернет ва ижтимоий тармоқлар имкониятларидан фойдаланиш каби назарий машғулотлар билан бирга, анъанавий каштачилик, қўлда гилам тўқиш, миллий матоларни бўяш, этно-дизайн каби мавзуларда амалий машғулотлар ҳам ўтказилди. –Тренинг сабаб, ўзбек миллий ҳунармандчилиги бешикларидан бери – Марғилонда бўлиб, маҳаллий ҳунарманд-усталар иши билан танишдик. Ихтисослигимиз бўйича янги билим орттириламиз. Айниқса, биз, бўлажак либос дизайнерларида турфа ранглари мужассам этган атлас ва адрас тўқиш жараёнлари катта таассурот қолдирди. Келажакда миллий матолардан замонавий либослар яратиш ниятдаман, – дейди тренинг иштирокчиси Гўзал Таджимуратова.

Абдубанноб
МАНСУРОВ.

ТИЛ — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Бугунги кунда ўзбек тилини самарали ўқитиш давр талабига айланмоқда. Афсуски, интернет тармоқларидан фойдаланиш тилимиздаги "қўча сўзлари"нинг кўпайишига олиб келмоқда. Шу сабабдан ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда тўғри, раво баён қиладиган, китобхонлик маданияти шаклланган, мустақил ва ижодий фикрлай оладиган, ўзгалар фикрини англайдиган, мулоқот ва нутқ маданияти ривожланган шахсни камол топтириш бугунги кун ўзбек тили (она тили) фани ўқитувчиларининг бош вазифасига айланди.

Статистик маълумотларга кўра, ўқувчиларнинг саводхонлик даражаси ёзма нутқда 70 фоизни, оғзаки нутқда эса 30 фоизни ташкил этмоқда.

Бу ачинарли ҳолат, албатта. Профессор Баходир Менглиев таъкидлаганидек, телефонда кўча сўзлари билан бойитилган матнларни кўравериб нутқий такомиллашув пайдо бўлган, бунинг ечими: бадий асарларни кўпроқ ўқитиш керак...

Таълимда ўқувчи билан китоб ўртасида мукамил ришта уйғотиш муҳим масалага айланди. Аксарият ўқувчилар "телефон қули"га айланиб улгурди. Кутубхоналар негадир камбағаллашди. Китобхонлар камайиб бораётганини ҳис этган ҳолда жамиятда китобсеварлиқни тарғиб этувчи "Ёш китобхон", "Китобхон оила" каби танловлар ўтказиш йўлга қўйилди. Бироқ бу ечим эмас. Китоб орқали маърифатли қатламни кенгайтириш оиладан бошланади. Бола китобга меҳр қўйишни ота-онадан ўрганади. Кўп китоб ўқиган сари болаларнинг сўз бойлиги ошиб, дунёқараши кенгайди.



Бу борада миллат маънавияти ва ёш авлод камолотига бевосита таъсир этувчи она тили таълими масаласи долзарб аҳамият касб этади. Она тили дарсларида компетенциявий ёндашув етишмайди. Ўқувчи мавзунини ҳаётини тарзда тушунириш, кундалиқ турмуш билан боғлаб етказиш самарали натижа бериши аниқ.

Менимча, фақат китобхонлик тарғиботининг ўзи етарли эмас. Ҳар бир она тили дарсларининг ташкилий қисмида сўз-диктантлар олиш зарур. Ўқувчига имло лўғат унинг энг яқин дўсти бўлиши кераклигини ўқитиш лозим. Ҳар кунлик уй вазифаси қаторида бир саҳифадан имло лўғати сўзларини ёд олишни вазифа тарзида бериб бориш ўқувчида ёзма саводхонлиқнинг ўсиб боришида муҳим, деб ҳисоблайман.

Ёзилиши қийин бўлган сўзлар лўғатини тузиб чиқиш ва улар устида алоҳида ишлаш, ўқувчи хотирасига сингитиб бориш зарур. Матнли топшириқлар билан кўпроқ ишлаш керак.

Бугунги кун она тили фани ўқитувчиларининг олдида жуда мураккаб ва муҳим бир палла турибди. Она тилимиз — ўзбекчилигимизни билдирувчи нишона эканини англаб етиб, ифтихоримизга айлантирмас эканмиз, ўзга тилларни кўкларга кўтариб, у тилларда сўлашишдан фахрланиб юрарамиз ва тилимизнинг иқноиятларини бой бериб қолаверамиз...

Ойгул МАҲМУДОВА,
шаҳар 1-ДИУМ она тили
ва адабиёт фани ўқитувчиси.

ОНА ТИЛИНИ ЭЪЗОЗЛАМОҚ, МИЛЛАТНИ ЭЪЗОЗЛАМОҚДИР

Ўзбек тили буюк ва муқаддас бўлиб, халқ учун бениҳоя азиздир. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортиб бораётди.

Шаҳримизда миллатимизнинг улғу айёми "Ўзбек тили байрами" кенг нишонланди. Хусусан, шаҳар ахборот кутубхона марказининг ўқув залида "Она тилим, буюкликда баланд тоғсан" номли тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни шаҳар ахборот кутубхона маркази директори О.Нишонов очиб, ҳаммани байрам билан муборакбод этди.

Ушбу тадбирда шаҳардаги 5-мактабнинг кутубхоначиси Замирахон Рустомова 8-А, 8-Б синф ўқувчилари билан фаол иштирок этишди. Тантана давомида истеъдодли ўқувчилар ижросида янграган она тилини мадҳ этувчи шеър, куй-қўшиқлар оҳанграбоси меҳмонларда чинакам байрам кайфиятини уйғотди. Тадбирда Республика Маънавият-маърифат маркази шаҳар бўлини маси мутахассиси Моҳиғул Мирзаева ва шаҳар ҳокимиятининг маслаҳатчиси У.Маҳмудовлар сўзга чиқиб, барчани байрам билан табриклади. Тадбир сўнггида АКМ библиография хизмати раҳбари Иномжон Сатқинов ва мутахассис Дилфузaxon Хайдаровлар тадбир иштирокчиларини эсдалик совғалари билан тақдирладилар.

Мафтунахон ХАЛИЛОВА,
Шаҳар ахборот кутубхона маркази
мутахассиси.

КЎЗЛАРИНГДА ПОРЛАР ТАБАССУМ



Ҳар субҳи содиқ суюкли боласини бағрига босиб олган ёш онажонлар, қўлларидан тутиб шаждам одимлаётган дадажонлар богча томон ошиқадилар. Болажонлар эса худди байрамга кетаётгандек ясаниб олишган, қизчаларнинг сочларидаги алвон ленталари, ўғил болаларнинг эса кўксидagi "капалак" галстукчалари ўзларига бир-ран ярашган... Ҳа, шаҳримиздаги минглаб болакайларни ўз бағрига олган мактабга таълим ташкилоти, халқ тили билан айтганда, болалар богчаси ҳаммаша гавжум. Шу икки сўзни тилга олишнинг билан кўз ўнгингизга шодон-шодон қийдириб-қилиб ўйнаётган болалар, ёхуд бирор эртак ёки ибратли кичик ҳикоятларни завқ билан сўзлаётган тарбиячи опалару, уларни мароқ билан тинглаётган болажонлар келади. Зотан, бу масканда ўзбегимнинг бўлғуси алломалари камол топаётди...

Шаҳримиздаги Мактабга таълим бўлими тасарруфидagi 20-Давлат мактабга таълим ташкилоти қарийб 40 йилдан буён самарали фаолият кўрсатмоқда. Богча 360 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда 370 нафар кичкинтойлар тарбияланмоқда. Ташкилот замонавий услубда қурилган бўлиб, кўркам ва икки қаватли, 12 та гуруҳ хонасидан иборат. Гуруҳлар хоналари кенг ва ёруғ. Алоҳида махсус ўйин, уйқу хонаси, хожатхона, ювиниш ва ечиниш хоналари мавжуд.

Богча мухташам мусика залига эга,

экин майдони ҳам жуда чиройли. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларидан кўнгиллар обод бўлмай. Бу ердаги спорт майдончаси, ёзги айвончалар, ўйин майдончалари ва сузиш ҳавзаси ҳам болажонлар ихтиёрига берилган. Ҳар бир педагог ҳодимлар гуруҳ хоналарини дастур асосида, шахсга йўналтирилган таълимга асосланган ҳолда, фаоллик марказлари, болалар ёшига мос, илғор педагогик технологиялар асосида намунали ташкил этган. Болажонлар масканига 15 йилдир-ки, тажрибали педагог Хилолаҳон Султонова раҳбарлик қиладди. Услубчи Азима-

хон Мамарасулова, психолог Озодaxon Вахобова, дефектолог Маъмурахон Сидикова, фаол педагоглар Махфиратхон Маҳкамова, Муяссархон Собирова, Матлубахон Маматисаева, Муаззамхон Полвонова, Муборахон Шокирова, Наргизахон Салимоваларнинг кундалик иш фаолиятларидан ота-оналар жуда ҳам мамнун. Ташкилотда йил давомида режа асосида очик машғулотлар ташкилла-ниб, давлат талаблари асосида билим бериб борилмоқда. Болаларни соғлом ҳамда бақувват бўлиб ўсишлари учун жисмоний тарбия машғулотларига ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Ҳозирда бу ерда Ритмик гимнастика, рус тили, инглиз тили ҳамда рақс тўғрақлари мунтазам фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, ташкилотда турли хил ўқув семинарлар ва тадбирлар ҳам ўтказилиб борилади, ташкилотлар ўртасида фикрлар алмашилиб турилади.

Хилолаҳон СУЛТОНОВА,
20-ДМТТ директори.

Шаҳримиздаги 18-Давлат мактабга таълим ташкилотига ҳам тарбияланувчилар самарали таълим-тарбия олмақдалар. Ташкилотда ўз касбини сеувачи ва изланувчан педагог-ҳодимлар фаолият олиб бормоқдалар. Қувонарлиси, ташкилотда маънавий-маърифий ишларнинг янги тизими яратилган, хусусан улар богча ёшдаги болаларнинг маънавиятини юксалтириш ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, тарбияланувчиларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбияловчи маънавий-маърифий-маданий тадбирлар, "Эртаклар-яхшиликка етаклар" шиори остида эса эртак қаҳрамонлари билан учрашувлар ташкилланди.

КАМОЛОТГА УНДАР ЛАҲЗАЛАР...



— Тарбияланувчилар онгига буюк алломаларимизга эҳтиром, миллат қаҳрамонларига муҳаббат, Ватанга садоқат ҳамда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда эртаклар катта аҳамиятга эга, дейди ДМТТ мудираси Нодирахон Турсунова. "Мердлар қўриқлайди Ватанини", "Биз дўстлик мамлакатимиз" мавзулари асосида ўтказилган тадбирлар эса болаларни жасур, кўркмас, мард этиб тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Мақсадимиз кичкинтойларни соғлом ва баркамол вояга етишларини таъминлашдир. Жисмоний тарбия йўриқчиси ташкилланган халқ амалий ўйинлари тарбияланувчиларда миллийлик ва маънавиятни шакллантириб, жамоа бўлиб ўйнаш тушунчаларини ҳосил қилди. Шунингдек ташкилотда тадбирлар билан биргаликда саёҳатлар, очик машғулотлар ҳам ўтказиб боришмоқда. Богча тарбиячилари шаҳар миқёсида ўтказилган тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Мастурахон САИДУРОВА.

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан бола тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож оилалар моддий таъминотини кучайтириш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашда умумэтироф этилган халқаро стандартларни ва автоматлашган шаффоф электрон баҳолаш механизмларини жорий этиш орқали нафақаларни тўлаш тизимини болалар салоҳиятини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга қаратиш мақсадида 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунча қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси (кейинги ўринларда — болалар нафақаси) жорий этилди. Бунда, болалар нафақасини тайинлашда:

инобатга олинadиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилди;

тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилди;

унинг миқдорини оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгилаш тартиби жорий этилди;

б) яқка-ёлғиз бўлган фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланди.

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловлари қуйидагича белгиланди яъни:

а) болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори:

250 000 сўм — 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта

фарзанди учун, 325 000 сўм — ёши 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун;

150 000 сўм — оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча;

100 000 сўмдан — оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун;

б) кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдамнинг ойлик миқдори — 380 000 сўм.

Бунда, 2021 йил 1 сентябрда қадар тайинланган 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола 2 ёшга тўлгунча қадар уни парвариш қилиш нафақаси ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тўлаш муддатлари тугагунча қадар, мазкур турдаги нафақалар ва моддий ёрдамнинг амалдаги миқдорлари ҳамда уларни тўлаш муддатлари сақлаб қолинади.

Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ҳамда уларга болалар нафақа пуллари ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор-

лар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида амалга оширилади. Оиланинг ҳар бир аъзосига жами даромад аниқланadиган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,527 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромадга эга бўлган оила кам таъминланган оила деб эътироф этилади.

Оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш «Ягона реестр» АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади.

Шуқурилло ОРИПОВ,
Бюджетдан ташқари Пенсия
жамғармаси Олтиариқ туман
бўлими бошлиғи.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАР



А.Ахунов III-Бутун иттифок халқ ижодиёти фестивали лауреати, Украинанинг Киев шаҳрида ўтказилган II-Халқаро фольклор фестивали дипломанти ҳамда республика фольклор жамоалари ўртасида ўтказилган кўрик-танловлар ғолиби эди.

2004 йили эса Ўзбекистон Халқ хофизлари Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узақовларнинг 100 йиллиги

муносабати билан ўтказилган "Катта ашула ижрочилари ва Ҳаваскорлик маком жамоалари" республика кўрик-танловиди А.Ахунов раҳбарлик қилаётган "Сайқал" ашула ва рақс ансамбли республикада фахрли 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, Республика «Хунармандлар» уюшмаси маркази томонидан ташкил этилган "Хунармандлар кўргазмасида" у раҳбарлик

қилаётган "Чодиржамол" халқ фольклор этнографик жамоаси томонидан тайёрланган "Шарқ бозори" саҳнавий дастури хорижий сайёҳларнинг ҳайрат ва олқишларига сазовор бўлди. Гўзал Марғилонимизнинг 2000 йиллиги тантаналарида А. Ахунов Республика саҳналаштирувчи режиссёрлар гуруҳига киритилиб, нодир сценарийлар муаллифи, бадий раҳбар ҳамда дастурлар директори каби вазифаларни сидқидилдан бажарган.

Унинг меҳнатлари давлатимиз томонидан юксак


эътироф этилиб, Ўзбекистон маданий-маърифий ишлар аълочиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллиги кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Соҳа билимдони, ўта камтарин, санъат ва маданиятнинг чинакам фидойиси бўлган бу инсоннинг порлоқ хотираси уни тангганлар, билганлар ва оила аъзолари қалбидан асло ўчмайди. Марҳумнинг охирати обод, жойи жаннатда бўлсин.

ШАҲАР МАДАНИЯТ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ.

Шаҳар ҳокимлиги Маданият бўлимига қарашли Марказий Маданият уйи директори, заҳматкаш инсон Ахунов Абдужаббор Абдусатторович бугун оранизда йўқ. Маданият ва санъат фидойиси А.Ахуновни бе-шафқат ўлим ораниздан олиб кетди. У раҳбарлик қилаётган маданият жамоаси шаҳарда, вилоятда, ҳатто республикада ўтказилаётган Наврўз ва Мустақиллик умумхалқ байрамларида ўз тайёрлаган дастурлари билан фаол иштирок этардилар. Айниқса, "Чодиржамол" халқ фольклор этнографик ансамбли бутун мамлакатимиз бўйлаб машҳур бўлган.

Нодирабегим ЖАМОЛИДДИНОВА,
Фаргона Жамоат Саломатлиги Тиббиёт Институтини "Даволаш иши" йўналиши, 3-курс талабаси.

МАРҒИЛОН ҲОФИЗЛАР ЮРТИ



Марғилон ҳофизлар юрти...

Бу маскан ўзининг бой тарихи, ажойиб ва нозик таъб одамлари, санъаткорлари билан довруғ топиб келаётган обод ва сўлим шаҳарлардан бири ҳисобланади.



Хасанбой Узоқов ва Зухраҳон Узоқова-лар иззат-икром билан қутиб олдилар. Шундан сўнг, иштирокчилар “Машад” қабристонига йўл олдилар. У ерда Маъмуржон Узоқов қабрига гуллар қўйилди ва Қўрьон тиловат қилинди. Ташрифдан сўнг, иштирокчилар Исмол Қаримов номидаги вилоят концерт саройига кузатилди.

Кўрик-танловнинг вилоят саралаш босқичида 30 га яқин истеъдодли ёшлар ичида шахримиз номидан иштирок этган Элмуродзода Улугбек 2-ўринни эгаллаб кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Элмуродзода Улугбекга республика босқичида ҳам улкан зафарлар тилаймиз.

А. АБДУРАХМОНОВ,
шаҳар Маданият бўлими
бош мутахассиси.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИДА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

Умуман олганда, халқаро ва ички миграция оқимлари мураккаб ва улар қўлами жиҳатидан ҳам ошиб бормоқда. Хусусан, халқаро миграция ҳолатида муҳожирлар оқими сониани аниқлаш келиб чиқадиган мамлакатлар ва мезбон мамлакатлар ёки бир неча хорижий давлатларни қамраб оладиган доиравий оқимлар ўртасидаги кўплаб оқимларни ҳисобга олишни талаб қилиши мумкин. Халқаро миграция кўп миллатли, кўп оқимли ва кўп тилли жамиятларнинг шаклланишига олиб келадиган хилма-хилликни кучайтиради.

Мигрантларни рўйхатга олишни режалаштириш ва амалга оширишда, шунингдек, уларнинг тавсифлари ва белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун концепцияларни ишлаб чиқаришда мамлакатнинг миллий ҳуқуқий асослари ва ўзига хос бўлган шартлари эътиборга олиниши керак. Умуман олганда, 2020 йилда аҳолини рўйхатга олиш жараёнини ўтказиш бўйича тавсиялар

асосий миграция белгилари: туғилган мамлакат, фуқаролик мамлакат, аввалги яшаш жойи, келиш вақти ва миграция сабаби, шунингдек, турли хил бошқа ички миграция маълумотлари бўйича маълумот тўплаш бўйича кенг қамровли қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бунда мамлакатлар рўйхатга олиш маълумотларини сўровномалар, регистрлар ёки бошқа манбалардан фойдаланган ҳолда тўплагани мўҳим эканлиги ҳисобланмайд.

Рўйхатга олиш доирасида



миграция нуктаи назаридан икки хил жиҳат ажратилиши мумкин:

- халқаро мигрантлар ва халқаро миграция нуктаи назаридан манфаатдор бўлган бошқа гурuhlарнинг сони ва келиб чиқадиган оқимларини халқаро оқимларнинг вақтинчалик ва географик хусусиятлари ҳақида маълумот билан ўлчаш;

- ички мигрантларнинг сони

ва бундан ташқари оқимларини ички оқимларнинг вақтинчалик ва географик хусусиятлари ҳақида маълумот билан ўлчаш.

А.АБДУРАЗАКОВ,
Вилоят статистика бошқармасининг “Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил ва ўтказиш” бўлими бошлиғи.

ИСЛОҲОТЛАР ИМКОННИ ОШИРАР

Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган устувор вазифалардан бири, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш, шунингдек тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёз ва переференциялар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини жойида бартараф этиш юзасидан “Қиргули” ТИФ божхона пости ходимлари томонидан доимий равишда сайёр учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.

Хусусан, божхона пости ходимлари ўтган ҳафтада “Narimteks” МЧЖ ва “Uzwoolentex” МЧЖларга ташриф буюриб, жамиятлар томонидан бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ва уларни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш жараёнлари билан яқиндан танишди.

Жумладан, Марғилон шахрида жойлашган, тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотларини тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчи “Narimteks” МЧЖ асосан трикотаж маҳсулотларини тайёрлаб ички бозорга сотиш ва қолган қисmini Тожикистон Республикаси ҳамда Қирғизистон Республикасига экспорт қилиб келаётганлиги, 2020 йил давомида хорижий давлатларга 102,3 минг АҚШ. доллариға тенг маҳсулотлар экспорт қилинган бўлса, 2021



йилнинг ўтган даври давомида қиймати 143,5 минг АҚШ.долларига тенг тайёр маҳсулотлар экспорти амалга оширилган.

Шунингдек, Марғилон шахрида жойлашган текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи “Uzwoolentex” МЧЖ асосан тўқимачилик маҳсулотларини тайёрлаш, бўйаш билан шугулланиб, тайёр маҳсулотларни Россия давлатига экспорт қилиб келмоқда. 2020 йил давомида хорижий мамлакатларга қиймати 0,05 минг АҚШ.долларига тенг маҳсулотлар экспорт қилган бўлса, 2021 йилнинг ўтган даври давомида қиймати 90,3 минг АҚШ.долларига тенг маҳсулотлар экспорт қилинган. Шу билан

бирга, мазкур корхонага 2021 йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5989-сон Фармониға асосан бир млрд.сўмдан ортиқ божхона тўловларидан имтиёзлар берилган.

Сайёр учрашувлар давомида, Президентимиз томонидан экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш борасида олиб бораётган ислохотлари, янги қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг мазмун-моҳияти, экспортёр корхоналарга бери-

лаётган бир қатор имтиёзлар тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилиб, корхоналар томонидан экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кенгайтиришда божхона органлари яқиндан қўмақдош эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўтказилган учрашувларда корхона вакиллари республикамиз раҳбарияти ҳамда ДБҚ раҳбарияти томонидан яратиб берилаётган эркинликлар ва қўлайликлар учун ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Элмурод ҚОСИМОВ
“Қиргули” ташқи иқтисодий фаолияти божхона пости бошлиғи.

САЛОМАТЛИК



БРОНХИАЛ АСТМА КАСАЛЛИГИ НИМА ВА УНИНГ САБАБЛАРИ ҚАНДАЙ?

Бронхиал астма касаллиги нафас йўлларининг сурункали ноинфекцион касаллиқдир.

Сабаблари:

-Наслий факторлар

-Касбий факторлар

– Семизлик

– Нотўғри овқатланиш

– Микроорганизмлар, ўсимлик, ҳайвон, китоб чанглари

– Тозаловчи воситалар.

– Бу касалликда ҳансираш, нафас олишнинг қийинлашуви, йўтал, кўкрак қафасида қисилиш ҳиси, ҳуштаксимон хириллашлар мавжуд бўлади.

– Диагностика қилиш ва даволаш касаллиқнинг келиб чиқиш сабаби ҳамда касаллик даражасига қараб шифокор аллерголог ҳамда терапевт томонидан тайинланади.

Тавсиялар: аллергик маҳсулотлардан тийилиш, тоза ҳаволи жойда яшаш, касбингиз сабабли келиб чиқаетган бўлса, касбингизни ўзгартириш, уйда ва ишхонада ҳар хил чанглрдан эҳтиёт бўлиш тавсия этилади.

“БОШ ОҒРИГАНДА ҚАТИҚ ИЧИШ ФОЙДАЛИМИ?”

Бош оғриғини келтириб чиқарувчи омиллар кўп, улар орасида камқонликдан тортиб, уйқусизлик, организмнинг зўриқиши, стресс, витаминлар танқислиги, қалла ички босимининг ортиши каби ҳолатларни кўриш мумкин. Ўсимрлардаги бош оғриқлари ҳайз олди кунларида ҳам кўзгаши мумкин. Негаки, бу жараён қайсидир маънода организм учун стрессдир. Даволовчи шифокорингиз тайинлаган муолажа тўлиқ ўтказилишига диққат қилинг. Уй шароитида эса қуйидаги усуллар асқатади.

Оғриқ хуружида шакар қўшилган қатиқ ёки аччиқ дамланган қора чой ичиш фойдалидир; Лимонўт солинган кўк чой ҳам тинчлантирувчи хусусиятга эга; Бошининг энса соҳасига ҳўл сочиқ билан компресс қилиш оғриқни енгиллаштиради; Чакка ва пешонанинг олд қисми, қошларнинг усти билан бармоқ учида уқалашнинг ҳам нафи бор; Оғриқ томир уриши каби тебранишли бўлса, бош тагига қаттиқроқ ёстиқ, яхшиси, болиш қўйинг-да, қўзларингизни юмиб дам олинг;

Яна бир усул душ жўмрагини бошнинг юқори қисмиға олиб келиб, соат айланаси бўйича ҳаракатлантиринг. Сув тўлқини бошда қон айланишини яхшилайд.

МАГНИТ БЎРОНИ ИНСОН ОРГАНИЗМИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ?

Магнит бўрони қуёшнинг фаоллиги ошиши ва унинг ер магнит майдониға таъсир кучининг кўпайиши сабабли содир бўлади.

– Бундай вақтларда турли касалликлар, айниқса юрак қон томир тизими касалликлари билан касалланган беморлар ёки об-ҳаво ўзгаришларига сезгир инсонларда турли ўзгаришлар шикоятлар пайдо бўлади.

– Уларда бош оғриғи, қон босимини кескин кўтарилиши, бўғимларда оғриқ кабилар кузатилади. Бундай вақтларда инсульт, миокард инфаркти кўп учрайди.

– Юқоридаги касалликлар билан касалланган инсонлар магнит бўронлари кузатилиши мумкин бўлган вақтда профилактик чораларни кўришлари керак. Яъни қон босимини туширувчи, тинчлантирувчи дориларини ичишлари, оғир жисмоний ишлардан, стресслардан сақланишлари керак.

БАНАН ТИШНИ ОҚАРТИРАДИ



Банан истеъмол қилгач, унинг пўстлогини ташлаб юборишға шошилманг. Унинг ёрдамида тишларни оқартириш мумкин. Тишларнинг юқори ва пастки қисмиға банан пўстлогини яхшилаб суртамыз, токи тишлар тўлиқ банан қолдиқлари билан қоплансин. Тишларни 10 дақиқа шу ҳолатда қолдирамыз. Сўнгра илик сувда чайиб оламыз.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ ФИДОЙИ ПОСБОНЛАРИ

Бугунги кунда Ватанимиз равнақи, халқимиз эришган оламшумул натижалар юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг янги янада юқори босқичга кўтарилгани бежиз эмас, албатта. Зеро, барча ютуқ ва натижаларимизнинг энг муҳим омилларидан бири, бу албатта, юртимиздаги тинчлик, осойишталикдир.

Ана шу бебаҳо неъмат – юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш биз ички ишлар ходимларининг кундалик фаолиятимиз мезонидир. Бу муқаддас, машаққатли ва шарафли бурчи муносиб адо этаётган мамлакатимиз ички ишлар идоралари ходимлари сафида бизнинг шаҳар бўлимиимиз шахсий таркиби ҳам бор.

Дарҳақиқат, барча жоилардаги каби бизнинг бўлими-мизда ҳам кейинги йилларда тизимдаги туб ислохотларни олишмай ҳаётга тадбиқ этиш, хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида шахримиздаги криминоген вазият, жиноятчилик ҳолати ижобий ўзгариб, жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш самарадорлиги кескин ўсди. Бунга жорий йилнинг ўтган даврида бу борада амалга оширилган ишлар ёрдами мисол бўлиши мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтган даврда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда қатор профилактик тадбирлар ўтказилди.

Бу тадбирлар жараёнида ҳуқуқбузарлик содир этганлиги, жиноятга мойил бўлганлиги шунингдек шахсини аниқлаш мақсадида навбатчилик қисми-га, милиция таянч пунктларига келтирилган фуқаролар, кенг аҳоли қатламлари билан кўплаб профилактик суҳбатлар, тезкор амалий тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, ўтган даврда оғир, ўта оғир, талончилик, фирибгарлик, ўғирлик сингари жиноятлар сонини бир мунча камайтиришга муваффақ бўлинди. Автомобил олиб қочиш, хорижга чиқиш ва Ўзбекистонга кириш билан боғлиқ жиноятларга тўла барҳам берилди. Ўтган 9 ойда кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорлик туфайли кўпгина маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидан

бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Маъмурий амалиётда амалга оширилган майда безорилик ва спиртли ичимликларни қўйиб сотишга рухсат этилмаган жойда спиртли ичимлик ичганлиги учун расмийлаштирилган баённомаларнинг профилактик таъсири натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида безорилик, баданга енгил тан жароҳати етказиш, қотиллик, талончилик айниса оила турмуш муносабатлари доирасида шунингдек, маст ҳолда жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида профилактик ҳисобда турган муқаддам судланган шахслар 100 фоиз маъмурий назоратга олинди.

Бироқ шунги очиқ айтиш зарурки бугунги фаолиятимиздан кўнглимиз тўқ эмас. Зеро, фаолиятимизда жиноятларнинг тез ва тўла очилиши, жамоатчилик, айниса таълим муассасаларидаги муҳокамалар самарадорлиги, жиноятчиликнинг туб илдизларини аниқлаб, уларни бартараф этиш борасида камчилик ва муаммолар мавжудлигидан кўз

юма олмаймиз. Шу боис ҳозир шаҳар жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари жамоалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз зарур. Профилактика тадбирларини изчил давом эттириб, уларнинг самарадорлигини юксалтиришга эришишимиз керак.

Шу боис бўлимиимиз шахсий таркиби зиммимиздаги бу масъулиятли вазифаларни фидоийлик билан адо этиш, аҳоли ўртасида қонунчилик тарғиботи таъсирчанлигини ошириш юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб боришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Бўлимиимизда зиммимиздаги вазифани тўла адо этишга қодир малакали ходимлар кўп. Улар орасида штаб бошлиғи, майор Шавкат Бойдадаев,

подполковник Азизбек Умаров, ИИБ бўлими бошлиғи ўринбосарлари майор Элбек Турдиев, ИИБ тезкор ходими, ЖКБ бошлиғи майор Фаррух Қўшматов сингари ўз бурчларини бугунги кун талаблари даражасида уддалаётган, юксак касб маҳорати ва салоҳиятига эга, барча ҳамкасбларига намуна бўлаётган ходимларимиз борлигидан фخرланамиз. Ана шундай фидоий ходимларимизнинг сидқидилдан

қилаётган меҳнати туфайли биз аъъанавий касб байрамимизни муносиб кутиб олаёламиз. Демак, олдинда турган вазифаларни ҳам муваффақиятли адо этишимизга шубҳа йўқ.

Имкониятдан фойдаланиб мен юртимиздаги барча ҳамкасбларимизни, тизимимиз меҳнат фахрийларини ички ишлар идоралари ходимлари қуни байрами

билан самимий кутлайман. Ўрни келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, шу азиз Ватан барчамизники. Унинг равнақи, хавфсизлиги учун ҳаммамиз масъулмиз. Тинчлигимиз, осойишталигимиз юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги асоси экан бу хайрли ишдан ҳеч ким ўзини четга олмаслигига ишонаман. Шу боис, осойишталик ва тинчлик йўлида

ҳамкорликни янада кучайтириб ва такомиллаштириб, эзгу мақсадимиз шахримизни жиноятчиликдан холи, обод, кўркам гўшага айлантириш учун барча имкониятларни ишга солишдан иборат.

Алишержон АШУРОВ,
шаҳар ИИБ бошлиғи,
подполковник.

Марғилон
шаҳридаги
Хўнарманд-
лар марказида
“Миллий ли-
бослар-маъна-
вият кўзгуси”
мавзусида мил-
лий либослар
намоиши
бўлиб ўтди.

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Тадбирда шаҳар хокими А.Зиявитдинов, шаҳар хокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи А.Рахмонов, шаҳар хокимининг хотин қизлар бўйича маслаҳатчиси, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари Г.Жўрабоева, шаҳар отинойиси Р.Исахонова, “Буважонлар мактаби” ўринбосари Х.Сотволдиевалар иштирок этишди.

Тадбир давомида “Gold silk brendi” дизайнери Мастона Ашуралиева ва “Afsona stii” дизайнери Мафтўна Махмудовалар томонидан Марғилон хўнармандлари томонидан ишлаб чиқарилган адрас ва атлас матоларидан яратилган миллий либослар намоиши тақдим этилди.

Шунингдек, шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларининг аълочи, намунали ва фаол қизлари “Халқаро қизлар кўни” муносабати билан шаҳар микёсидаги ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этганлиги учун шаҳар хокимлигининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛДИ



Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунни Президент томонидан имзоланди. Қонун орқали Солиқ кодексига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, Солиқ кодексининг 99-моддасига киритилган ўзгартиришга кўра, Давлат солиқ қўмитаси солиқларни, шунингдек айланмадан олинадиган солиқни белгиланган тартибда мол-мулкни гаровга бермаган ҳолда, кафиликсиз ёки банк кафолатисиз бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этишга ҳақли эканлиги белгиланди (бундан даромад солиғи, ижтимоий солиқ, тўлов манбаидан олинадиган фойда солиғи ҳамда солиқ агенти сифатида тўланадиган ҚҚС мустасно).

Шунингдек, 100-моддага киритилган қўшимчага кўра, Ўз фаолиятини 3 йилдан ортиқ вақтдан буён амалга ошираётган, солиқларни Ўз вақтида тўлаган, аммо молиявий аҳоли солиқ қарзини муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаган манфаатдор шахсларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти ҳам беради.

Амалдаги тартибга кўра, солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти манфаатдор шахсга ушбу моддада кўрсатилган 6 та асослардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда берилиши мумкинлиги белгиланган эди.

Мисол учун, бундай имконият табиий офат, технологик фалокат ёки бошқа бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар натижасида зарар етказилганлиги; манфаатдор шахс солиқни бир йўла тўлаши оқибатида унинг ночорлиги (банкротлиги) аломатлари пайдо бўлиши хавфи юзга келганлиги; манфа-

атдор шахс томонидан товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш мавсумий хусусиятга эга эканлиги каби ҳолатларда тақдим этилиши мумкин эди.

Кодекснинг 378-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасининг профессионал (касб-хўнара мактаблари, коллежлар, техникумлар) ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун йўналтирилмайдиган даромадлари солиққа тортилмайди (илгари ушбу имтиёз фақат Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича таъбиқ этилган эди).

Кодекснинг 483-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, “Хўнарманд” уюшмасининг аъзоларига бериладиган солиқ имтиёзлари “Ўзбекзаргарсаноат” уюшмасининг аъзолари бўлган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи яққа тартибдаги тадбиркорларга нисбатан 2023 йил 1 мартга қадар бўлган давр учун таъбиқ этилади. Шунингдек, Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ўқшаши ишлаб чиқарилмайдиган илмий-лаборатория асбоб-ускунаси, реагентлар ва сарфлаш материаллари 2024 йил 1 январга қадар бўлган давр учун ҚҚС тўлашдан озод этилади.

Мирзоҳид ҲАСАНОВ,
шаҳар ДСИ биринчи ўринбосари.

ЭЪЛОНЛАР

“XASANOV ODILJON MUHSINDJONOVICH” YTTga tegishli dumaloq muhr iyoqolganligi sababli БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.
“ZIYNAT KLASS KOSMETIK” MЧЖга tegishli dumaloq muhr iyoqolganligi sababli БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.
Марғилон Қурилиш техникумини 2000 йилда таъминлаган Абдусаттаров Абдуофур Абдуғаффарович номига берилган № 366617 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

Марғилон Педагогика коллежине 2009 йилда таъминлаган Топволдиева Азизахон Расулжон кизи номига берилган К № 1365058 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.
Марғилон шаҳар 15-умумий ўрта таълим мактабини 1995 йилда таъминлаган Патитдинов Расулжон Мадаминович номига берилган АО № 053085 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

“FASLU BAHOR LAZZATI” хусусий корхонасига тегишли dumaloq muhr va shapli iyoqolganligi sababli БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.
Muhammadjonov Salohiddin Farhodjon o'g'liga tegishli dumaloq muhr va shapli iyoqolganligi sababli БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.
“SALOHIDDIN SAHOIDDIN 2020” оилавий корхонасига тегишли dumaloq muhr iyoqolganligi sababli БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

“MEHRI OSMON” MЧЖга tegishli dumaloq muhr iyoqolganligi sababli БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.
“YONIQ TUT” MЧЖга tegishli dumaloq muhr iyoqolganligi sababli БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

Марғилон хизмат кўрсатиш ва сервис коллежине 2019 йилда таъминлаган Тўлқинов Равшанбек Зоҳиджон ўғли номига берилган К № 5650052 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.
“AHMADJANOVA BARNOXON” хусусий корхонасига тегишли dumaloq muhr va shapli (nizom, guvohnoma) iyoqolganligi sababli БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

 MARG'ILON HAQIQATI МУАССИС: МАРҒИЛОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ	Бош муҳаррир: Рустамжон МАМАЖОНОВ	2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилояти бошқармасида 12-004 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 64697	Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида офсет усулида чоп этилди.	Буюртма: Адади: 1 150 нусха. Нархи: келишув асосида. Қўғоз бичими: А-2.
	ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Марғилон шаҳри, 151101, Мустақиллик кўчаси, 450-уй.	Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.	Босмахона манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б»уй.	Босишга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.00.
	Бош муҳаррир қабулхонаси: 73-253-07-00. Реклама ва эълонлар: 73-253-46-73.		Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи: А.Мансуров.